



ISSN: 2181-0796

DOI: 10.26739/2181-0796

[www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)

**ТИЛ, ТАЪЛИМ, ТАРЖИМА  
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ**

**МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ  
ЯЗЫК, ОБРАЗОВАНИЕ, ПЕРЕВОД**

**INTERNATIONAL JOURNAL OF  
LANGUAGE, EDUCATION, TRANSLATION**



**Alisher Navoi**



**VOLUME 4,  
ISSUE 1,**

**2020**

# **ТИЛ, ТАЪЛИМ, ТАРЖИМА**

4 СОН, 1 ЖИЛД

---

# **ЯЗЫК, ОБРАЗОВАНИЕ, ПЕРЕВОД**

НОМЕР 4, ВЫПУСК 1

---

# **LANGUAGE, EDUCATION, TRANSLATION**

VOLUME 4, ISSUE 1



TOSHKENT-2020

# ТИЛ, ТАЪЛИМ, ТАРЖИМА ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ

№4 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-0796-2020-4>

**Бош муҳаррир:**

**Мирзаев Ибодулло**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Бош муҳаррир ўринбосари:**

**Исмоилов Салоҳиддин**  
ф.ф.н., доцент (Ўзбекистон)

## ТИЛ, ТАЪЛИМ, ТАРЖИМА ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

**Боқиева Гуландом**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Жалолов Жамол**  
п.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

**Дадабоев Ҳамидулла**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Маҳмудов Низомиддин**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Жўраев Маматқул**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Йўлдошев Қозоқбой**  
п.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Мустафа Угурлу**  
ф.ф.д., профессор (Туркия)

**Расулов Равшанхўжа**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Ю Курибаяши**  
ф.ф.д., профессор (Япония)

**Мамагов Абди**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Сафаров Шаҳриёр**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Холбеков Муҳаммаджон**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Шаҳбиддинова Шоҳида**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Тўхтасинов Илҳом**  
п.ф.д. (Ўзбекистон)

**Кулмаматов Дўсмамат**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Воо Дуск Чан**  
ф.ф.д., профессор (Жанубий Корея)

**Жумабоева Жамила**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Мукҳаметкалиева Гулнар**  
ф.ф.н. (Қозоғистон)

**Мирзахидова Муяссар**  
ф.ф.д., профессор (Қирғизистон)

**Улуқов Носиржон**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Элгазаров Жўлибой**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Абдиев Муродқосим**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Киселев Дмитрий**  
ф.ф.д. (Ўзбекистон)

**Муҳитдинова Бадиа**  
ф.ф.н., доцент (Ўзбекистон)

**Темиров Шерали**  
PhD масъул котиб (Ўзбекистон)

**Исакова Нодира**  
котиб, докторант (Ўзбекистон)

**Саҳифаловчи:** Шаҳрам Файзиев

Контакт редакций журналлов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр. 1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>;  
Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz) Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>;  
Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz) Тел: (+998-94) 404-0000

## ТИЛШУНОСЛИК

<b>Н.П.Потоцкая</b> ФУНКЦИОНАЛ УСЛУБЛАРНИ ТАСНИФЛАШНИНГ УМУМИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ.....	8
<b>Нигматова Лолахон Хамидовна</b> ЎЗБЕК ТИЛИ УМУМИЙ КОРПУСИДА ТИЛ ВА МАДАНИЯТ УЙҒУНЛИГИ МУАММОСИ...15	15
<b>Ғайбуллаева Нафиса Изатуллаевна</b> ТИБЬИЙ ЭВФЕМИЗМЛАРДА ГЕНДЕР ФАРҚЛАНИШ.....	26
<b>Ҳамроева Шахло Мирдждоновна</b> ТИЛ КОРПУСИНИНГ МОРФОЛОГИК ТАҲЛИЛИДА СЎЗ ШАКЛЛАРГА БЕЛГИ (РАЗМЕТКА) ҚУИИШ МАСАЛАСИГА ДОИР (айрим сўз туркумлари мисолида).....	36
<b>Сатимова Дилафруз Нумонжоновна</b> ЁШЛАР НУТҚИДА ҚўЛЛАНУВЧИ СЛЕНГЛАР ЭТИМОЛОГИЯСИ ВА УЛАРНИ ОҒЗАКИ НУТҚ ДИСКУРСИДА ҚўЛЛАНИШ ФУНКЦИЯЛАРИ.....	46
<b>Сабирова Нодира Каримбаевна</b> ИНГЛИЗ ТИЛШУНОСЛИГИДА ГИПОНИМИК ТАКСОНОМИЯНИНГ ЎРГАНИЛИШИ.....	55
<b>Ҳашимова Сабохат Абдуллаевна</b> ОСОБЕННОСТИ ОБРАЗОВАНИЯ ОДУШЕВЛЕННЫХ СУЩЕСТВИТЕЛЬНЫХ ПРИ ПОМОЩИ СУФФИКСАЦИИ В СОВРЕМЕННОМ КИТАЙСКОМ ЯЗЫКЕ.....	63
<b>Маҳмудова Нилуфархон Раҳмановна</b> ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ГРАДАЦИЯНИНГ КОММУНИКАТИВ-ПРАГМАТИК ФУНКЦИЯЛАРИ.....	70
<b>Аҳмадова Умидахон</b> ПЕРИФРАЗА ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ МАТНДАГИ ЎРНИ.....	81
<b>Отабоева Мазмуна Раҳимовна</b> ҲАРАКАТНИ ИФОДАЛОВЧИ СЎЗЛАРДА ГРАДУОНИМИЯ ҲОДИСАСИНИНГ ГРАММАТИК САТҲДА НАМОЁН БЎЛИШИ.....	88
<b>Хидирова Гулзода Турдалиевна</b> ЛЕКСИКОЛОГИЯ, ЛЕКСИКОГРАФИЯ ВА ЛЕКСИК СЕМАНТИКА ХУСУСИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР.....	96
<b>Rajabova Sadoqat Rasul qizi</b> QONUNLAR TILIDA -NOMA AFFIKSOIDI BILAN YASALGAN YURIDIK TERMINLAR.....	104

## ТАЪЛИМШУНОСЛИК

<b>Маматова Феруза Маҳаммадовна</b> ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ОИЛАЛАРИДА БОЛА ТАРБИЯСИ (Мақол ва маталлар мисолида).....	114
<b>Ҳасанова Нигора Низомовна</b> "АДАБИЁТ" ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВ - ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИ ОМИЛИ.....	121

## ТАРЖИМАШУНОСЛИК


<b>Кошева Дилрабо Худоёровна</b> НУТҚ ФЕЪЛЛАРИНИНГ ТАРЖИМАСИГА ДОИР (Инглиз адиби Ф. С. Фицджеральднинг "Буюк Гетсби" романи материали асосида).....	131
--	-----

# ТИЛ, ТАЪЛИМ, ТАРЖИМА ЯЗЫК, ОБРАЗОВАНИЕ, ПЕРЕВОД LANGUAGE, EDUCATION, TRANSLATION

**Гайбуллаева Нафиса Изатуллаевна**

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),  
Бухоро давлат университети,  
Бухоро, Ўзбекистон  
E-mail: nafisa.ped@mail.ru

## ТИББИЙ ЭВФЕМИЗМЛАРДА ГЕНДЕР ФАРҚЛАНИШ

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-0796-2020-4-3>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада дунё тилшунослигида ўрганилган ва ўзбек тилида қўлланиладиган тиббий эвфемаларда гендер қарама-қарши жинс белгиларини фарқлаш ва гендерга бетарафлик асосидаги қарашлар мисоллар орқали таҳлилга тортилган. Гендер тафовут тиббий эвфемаларни: аёлларга хос касаллик (1); аёлларга оид тана аъзолари (2); физиологик жараённи англатувчи (3) ҳамда эркакларга хос касаллик (1); физиологик ҳолат (2); тана (жинсий) аъзоларини атовчи (3) эвфемизмлар гуруҳларига бирлаштиради. Гендерга нисбатан нейтрал бирликлар эса "аёл" ёки "эркак"ни эмас, "шахс" концептини ифодалайди.

**Калит сўзлар:** гендерология, гендер лингвистикаси, тезаурус, эвфемик бирликлар, денотатив маъно, нейтраллик, коммуникант, физиологик жараён.

**Гайбуллаева Нафиса Изатуллаевна**

Доктор философии филологических наук (PhD),  
Бухарского государственного университета,  
Бухоро, Узбекистон  
E-mail: nafisa.ped@mail.ru

## ГЕНДЕРНЫЕ РАЗЛИЧИЯ В МЕДИЦИНСКИХ ЭВФЕМИЗМАХ

### АННОТАЦИЯ

В статье на основе примеров анализируются взгляды, основывающиеся на гендерной дифференциации и гендерной нейтральности в медицинских эвфемизмах, изучаемых в мировой лингвистике и применяемых в узбекском языке. Рассматриваются различия в речи, характере и поведении представителей разных полов, исследуется, как речевая ситуация у представителей двух полов выражает гендерные различия в контексте, их влияние на социальную среду, приводятся медицинские эвфемизмы узбекского языка, сгруппированные как эвфемизмы, выражающие мужские и женские признаки и особенности, физиологическое состояние, болезни.

**Ключевые слова:** гендерология, гендерная лингвистика, тезаурус, эвфемистические единицы, денотативное значение, нейтральность, коммуникант, физиологический процесс.

**Gaybullaeva Nafisa Izatullaevna**  
Doctor of philosophy (PhD) of philological sciences,  
Bukhara State University,  
Bukhara, Uzbekistan  
E-mail: nafisa.ped@mail.ru

## GENDER DIFFERENCES IN MEDICAL EPHEMISM

### ANNOTATION

Based on examples, the article analyzes views based on gender differentiation and gender neutrality in medical euphemisms studied in world linguistics and used in the Uzbek language. The differences in speech, character and behavior of representatives of different sexes are examined, how the speech situation in representatives of two sexes expresses gender differences in context, their impact on the social environment, medical euphemisms of the Uzbek language are grouped as euphemisms expressing male and female signs and features, physiological condition, disease.

**Keywords:** genderology, gender linguistics, thesaurus, euphemistic units, denotative meaning, neutrality, communicant, physiological process.

Гендер лингвистикаси - тилнинг ижтимоий-социал аспектлари, шахс биологик хусусиятининг тилда намоён бўлувчи омилларини тадқиқ этувчи соҳа. Тилнинг гендер тадқиқи йўналишида Е.И.Горошко, Е.С.Гриценко, Е.А.Земская, М.А.Китайгородская, Н.Н.Розанова, О.Л.Каменская, Д.Таннен, Г.Е.Крейдлин, Ж.Коатс, Р.Лаков, А.В.Кирилина, Е.А.Здравомислова, А.А.Темкина, А.В.Поплевко, Е.П.Надольская олиб борган тадқиқотлар [1, Б.136] диққатга сазовор.

Гендер назариясининг вужудга келишида бугунги кунда ижтимоий-маданий ривожланишнинг муқобил назариясига айланган феминизм ҳал қилувчи роль ўйнайди. XX асрнинг 70-йилларида З.Фрейд ва П.Парсоннинг гоялари билан суғорилган анъанавий ижтимоий фандан қониқмаган феминизм назарийчилари ўзларининг фарб билимига нисбатан назарий эътирозларини ҳамда маданият таҳлилига оид янги назарий-услубий ёндашувларни ифодалай бошлашди.

Тадқиқотчи Б.Аҳмедовнинг фикрича, жинс эркак ва аёллар ўртасидаги универсал биологик фарқ, анатомик ва физиологик моҳияти, яъни индивиднинг жинсга - эркак ёки аёл жинсига мансублигини аниқлаш учун асос бўладиган биологик белгилар бирлиги. Эркак ва аёл ўртасидаги жиддий бўлмаган фарқлар уларнинг биологик хусусиятларига тааллуқли. Бироқ эркак ва аёл ўртасидаги биологик фарқдан ташқари, ўз табиатига кўра биологик сабабларга асосланувчи қўплаб тафовутлар бор, яъни ижтимоий роллар, фаолият шакллариининг бўлиниши, хатти-ҳаракат ва индивидларнинг психологик тавсифларида бир қанча алоҳидалик мавжуд. Гендер - табиатан белгиланмаган, ижтимоий ҳодисалар ато этган хусусият йиғиндиси. Гендер- жинснинг маданий ниқоби, бизнинг ўз ижтимоий-маданий тасаввурларимиз доирасидаги жинс ҳақидаги қарашларимиз. Жинс инсонга тегишли эмас, балки инсонга оид, у эса ҳокимият ва тилга эга. Гендер аёл ва эркакка таъсир кўрсатувчи барча ижтимоий жараёнларда мавжуд, ташкил топади ва қайта тикланади. Гендернинг ижтимоий ташкил топиши назариясида унга асосий тушунча

фарқ қилади: жинс, жинсий мансублик, гендер [2, Б. 48].

Гендер лингвистикаси, асосан, гендернинг тилда акс этишини ўрганади. Бундай ёндашув турли жинс вакилларининг нутқи, уларга хос белги ва хатти-ҳаракатдаги фарқларни таҳлил қилади. Жинс вакилларида нутқий вазият, контекстда гендернинг қай тарзда ўз ифодасини топиши, ижтимоий муҳитга уларнинг таъсирини ўрганади. Кейинги йиллардаги тадқиқотлар турли тилларда гендернинг тилдаги акси ҳар хил эканлиги ҳақидаги хулосани беради. Демак, илгари гендер антрополог ва биологлар томонидан ўрганилган бўлса, бугунги кунда у тилшунослик ва шунга ўхшаш фанлар объекти [3, Б.94] га айланди. Америкалик социолог Э.Гидденс: "Агар инсон жинси биологик жиҳатдан аниқланса, унда ген ижтимоий ва маданий аҳамиятга эга. Унинг замирида эса эркак ва аёл ҳамда эркаклик ва аёллик тушунчалари ётади", -деб ёзади. Шундай қилиб, иккала жинс вакиллари тенг ҳуқуқли бўлиб, гендер хусусиятлари деб аталмиш белгилари билан бир-биридан фарқланади. Ҳозирги кунда иккала жинс вакиллари тили гендер лингвистикасида бирдек қабул қилиниб ўрганилмоқда. Бунда аёл ва эркакнинг дунёқарашлари ўртасидаги фарқ коммуникацияга сезиларли даражада таъсир этиб, уларни тилдан ажратган ҳолда кўриб чиқиш мумкин эмас. Шундай қилиб, унутмаслик керакки, жинсий омиллар алоқа самарадорлигига тўғридан-тўғри таъсир қилади [4, Б.98].

Ўзбек мулоқот ҳулқининг жинс жиҳатдан хосланиши ҳақида тадқиқотчи С.Мўминовнинг фикрлари ҳам эътиборга лойиқ. Олим гендер омилини нутқнинг ўзига хослигини аниқлашнинг муҳим жиҳати деб қарайди [5, Б.64]. Тадқиқотчи Г.А.Вильданова эвфемик сўзлар лугатида "аёл" ва у билан боғлиқ тушунчалар муҳим ўрин эгаллашини таъкидлайди. Г.А.Вильданова "аёл" эвфемик тезаурусининг мавзувий гуруҳларини

- 1) табиий-жисмоний ва психологик хусусиятларни ифодаловчи эвфемизмлар;
- 2) табиий ногиронликни яширадиган эвфемизмлар;
- 3) "Гўзаллик саноати" билан боғлиқ эвфемизмлар (косметология, пластик жарроҳлик ва ҳ.);
- 4) физиологик жараёнлар ва тана қисмларини белгиладиган эвфемизмлар;
- 5) касб-хунар номларини ифодаловчи эвфемизмлар тарзида ажратади [6, Б.193].

Тадқиқотчи табиий-жисмоний ва психологик хусусиятларни ифодаловчи эвфемизмлар гуруҳига аёлларнинг ҳулқ-атвори, ташқи кўриниши, ёши, маълумоти, никоҳдаги ҳолатига нисбатан муносабатини ифодаловчи лексик бирликларни ҳам киритади. Анъанавий равишда аёлларга тегишли заифлик ва камчиликлар ҳисобга олиниб, улар эвфемалаштирилади. Олимнинг таҳлилларида ушбу гуруҳга тегишли (аёлларга хос) эвфемизмлар умумий ўрганилган эвфемизмларнинг 17,6 фоизини ташкил этиши ва "осон эришиб бўладиган", "енгилтабиат" каби баъзи аёлларга хос сифатларни белгиловчи эвфемизмлар жуда кўплиги аниқланган.

С.Г.Тер-Минасова, А. В.Кириллина тадқиқотлари [7, Б.490] да ҳам аёллар билан боғлиқ эвфемалар мавзувий жиҳатдан шунга яқин гуруҳларга бўлинган.

Олимлар эвфемик бирликларда "гендер хушмуомалалик" белгисини ажратишар жан, бу хусусият кўпроқ аёллар билан боғлиқ эканлигини таъкидлашади. Шунингдек, эвфемик бирликларни аёлларга хос (аёлларни характерловчи) ва эркакларга хос белгилар асосида фарқлаб ўрганишади. Таъкидлаш жоизки, нутқда эвфемик бирликларни кўллаш кўпроқ аёлларга хос. Р.Лакофф буни шундай таърифлаган: "Аёллар ўз нутқида беодоб ва қалтис сўзларни ишлатмайди. Аёллар ҳақиқий эвфемизм усталаридир"

Демак, соҳа тадқиқотчисини кўпроқ "аёллар нутқи"ни ўрганиш қизиқтирган.

О.Есперсен аёлларнинг эвфемизмларга кўпроқ мойиллигини таъкидлаб, "Language. Its nature, development and origin" ("Тил ва унинг келиб чиқиши, табиати ва ривожланиши") асарида аёлларнинг нутқ ахлоқи билан боғлиқ хусусиятларига ва бу жиҳатнинг тил тараққиётига таъсири масаласига диққат қаратади: "Women exercise a great universal influence on linguistic development through their instinctive shrinking from coarse and gross expressions and their preference for refined and veiled and indirect expressions in certain spheres (Аёллар кўпол ва кескин ифодалардан сақланиш орқали ва улардан муайян соҳаларда ёпиқ, беғубор ифодаларни афзал кўрганликлари туфайли тилшуносликнинг ривожланишига ўз ҳиссаларини қўшганлар) [8, Б.246]. Олимнинг таъкидлашича, эвфемик бирликларнинг аксарияти аёллар томонидан яратилади: "... such euphemistic substitutes for a simple word "hell as" the other place, a very hot or a very uncomfortable place originated with women"(Шундай эвфемик бирлик сифатида, масалан, "дўзах" сўзи - жуда иссиқ ва ноқулай жой деб, ифодаланган. Бундай ифодалаш аёллар томонидан бошлаб берилган).

Н.М.Потапова тадқиқотчи П.Традгилнинг фикрига таяниб, аёллар ўз нутқларида нисбатан юмшоқроқ бирликларни ишлатишни афзал кўришларини қайд этади. Бу уларнинг фарзанд тарбияси билан шуғулланишларига ҳам боғлиқ. Фарзандида маданиятлиликни тарбиялаш масаласи аёллардан (бўлгуси оналардан) маданий нутққа эга бўлишларини талаб этади. Бу ҳолат ўша аёл яшаётган жамиятда аёлларнинг ижтимоий мавқеи билан ҳам уйғунлашади. Кўпинча, жамият эркак кишининг фаолиятига қараб хулоса чиқарса, аёлларни кўриниши ва гапириши билан баҳолайди [9, Б.111].

Эвфемик бирликларнинг гендер хусусияти ҳақида фикр юритилар экан, тадқиқотчилар кўпроқ эркак ёки аёл нутқи масаласи билан шуғулланганлиги маълум бўлади. Тиббий эвфемизмларда гендер фарқланиш масаласида бошқа ҳолат кузатилади. Тиббий эвфемалар, асосан, 1) эркакларга хос белги, касаллик, физиологик ҳолат ва бошқаларни атайдиган ҳамда 2) аёлларга хос белги, касаллик, физиологик ҳолатни атайдиган бирликларга бўлинади.

"Аёл" эвфемик тезаурусининг мавзувий гуруҳлари Г.А.Вильданова томонидан рус тили асосида ажратилиб таҳлил қилинган. Бизнингча, ўзбек тилида тиббий эвфемаларни аёлларга хослик белгисига кўра, қуйидаги гуруҳларга ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқ.

**1.Аёл тана аъзоларини билдирувчи эвфемик бирликлар.** 1. *Бачадон бўйни раки аёллардаги ёмон сифатли шишлар орасида сут беши ракидан кейин иккинчи ўринда туради.* 2. *Стрессга аёлларда кўкрак соҳаси таъсирчан бўлади. Агар бунга жинсий аъзолардаги шамоллаш ёхуд аборт асоратлари қўшилса, кутилмаганда кўкракда яллиғланиш бошланиб, мастопатия номли ёқимсиз дардни орттириб олишингиз мумкин.* 3.*Ҳомиладорлик бошланиши билан сут безлари катталашади, уларда бошланғич сут пайдо бўлади.* 4. *Гимен, яъни иффат пардаси қин даҳлизи ва унинг бўшлиғи орасида, тахминан, 1,5-3 см ичкарилиқда жойлашган шиллиқ қават бурмаларидан иборат бўлади.*

Аёл тана аъзоларини билдирувчи сут беши, кўкрак соҳаси, сут безлари, иффат пардаси каби эвфемик бирликлар айтилиши ноқулай саналган, дисфемик характердаги уятли сўзлар ўрнида қўлланишини тиббий нутқ мисоллари кўрсатиб турибди.Уларнинг шифокор нутқида ифодаланиши эса мутахассис юксак касбий этика ва мулоқот маданиятига эгалигидан далолат беради.

**2.Аёлларга оид физиологик жараёни англатувчи эвфемик бирликлар.** 1. *Бепуштлиқнинг ўзини даволаш баъзан бир неча йилга чўзилиб кетади ва қачондир аёлнинг хомиладор бўлишига ҳамда бола кўтаришига ҳеч қандай ишонч*



бўлмайдими. ("Сўғдиёна", 2016. №23, 85-б.) 2. Хомиладорликни вақти-соатига етказмаслик, деб хомиладор бўлгандан кейин 37 ҳафтагача бўлган давр ичида унинг ўз-ўзидан тушишига айтилади. 28 ҳафталикдан кейингиси вақтдан илгари чала туғилиш даври дейилади. ("Сўғдиёна", 2016. №23, 114-б.) 3. Айрим ҳолларда ҳайз цикли ўзгариб, ой кунларида бел ва қовуқ соҳасида оғриқ кучаяди. ("Сўғдиёна", 2016. №23, 32-б.) 4. Аёллар кўкракларида симиллаган оғриқни сезишлари билан "Ҳайзолди синдроми бошланди-ёв" дейишга одатланиб қолишган. Бироқ айнан шу ҳарактердаги оғриқ кўкрак мастопатияси касаллигининг илк белгиси бўлиши мумкин. ("Сўғдиёна", 2017. №24, 21-б.) 5. 9 ёшдан 18 ёшгача қиз бола жинсий жиҳатдан балоғатга етади. Бу пайт етилиш палласи бўлиб, жинсий аъзолар ривожланади, қиз бола насл қолдиришга тайёр бўла бошлайди. (Шифо-инфо, 2018. №11, 17б.) 6. "Ҳайз" сўзи луғатда "оқиш", "сузиш" маъносини англатади. "Ҳайз кўриш" тилимизда "ой кўриш", "ойбоши", "одат" каби бирликлар билан ифодаланади. 7. Хомиласиз хомиладорлик бу қандай синоат?! ... Бир неча ой ўтар-ўтмас тўлишиб, қорним ҳам дўппайиб қолгандек эди, назаримда. Ҳаммамиз бўлгуси фарзандни умид билан кута бошладик... "Хомиладор" лигимга деярли тўрт ойдан ошганда, аёллар маслаҳатхонасига йўл олдик. Мени кўрикдан ўтказган гинеколог опа бошини чайқаб, ультратовуш текширувига юборди. Не ажабки, иккала дўхтир ҳам менинг умуман хомиладор эмаслигимни айтишди... Дарҳақиқат, "сохта хомиладорлик" деган тиббий атама билан номланувчи ҳолат ҳаётда учраб туради.

Бундай физиологик ҳолатнинг тиббий нутқдаги ифодаси бадий нутқдаги тасвири билан қиёсланганда гендер белгининг кучли ифодасини эвфемалар ҳосил қилиши кузатилади. Чунончи, Тоғай Муроднинг "Ойдинда юрган одамлар" қиссасида бўйида бўлмоқ, қутулиб олмоқ, бўйида бўлмишдай тўлишмоқ ибора-эвфемалари сохта хомиладорлик ҳолатини жонлантириш баробарида аёл фожеий қисмати очиб берилган бадий бетакрор ифодани шаклантирган: Онамиз тўлишиб-тўлишиб қолди. Ёноқларида сепкил тошиб-сепкил тошиб қолди.

- Оймоманинг **бўйида бўпти**, кўз тегмасин.
- **Яратганинг ўзи** ноласини эшитибди, кеч бўлсаям **берибди**.
- **Фарзанднинг эрта-кечи** бўладими.
- **Ишқилиб**, эсон-омон **қутилиб олсин**.

Онамизни кўрмишлар ана шундай дедилар! Аслида... ундай эмас! Аёл зоти чинакам фарзанд доғида куйса... Фарзандни қалбан орзу қилса... Худди бўйида бўлмишдай тўлишади! Аёл руҳияти шундай, аёл тани шундай, аёл қалби шундай! Табиат аёлни фарзанд учун яратади. Фарзанд - аёл бахти бўлади, шон-шарафи бўлади, юз-хотири бўлади! Она - аёл зоти учун олийдан-олий мартаба бўлади! 8. Климакс - аёл умри давомидаги жинсий тизим фаолиятининг ёшга мос сўниши билан ифодаланган жараён... Бу даврда аёлларнинг фарзанд кўриш қобилияти чекланади, ҳайз циклининг тўлиқ тугаши ёки мунтазам кузатилмаслиги билан характерланади ("Бекажон", 2017.13.09). 9. Бунда кўзи ёриган она вужудидан окситоцин гормони чиқиб кетади ва хотиржамлик ҳамда бахтиёрлик ҳислари пайдо бўларкан ("Оила даврасида", 2013.14.05). 10. Кўкрак тўлганда энг қисқа вақт ичида мунтазам равишда соғишга ҳаракат қилинг. Бу иш енгиллашиш ҳиссиёти пайдо бўлгунча бажарилади ("Сиҳат-саломатлик", 2018, №4).

Юқоридаги 10 хил нутқий парча эвфемик бирликлар аёлларга хос муайян физиологик жараён ёки ҳолатни атаб келишидан далолат беради. Жумладан, бола кўтариш, фарзанд кўриш қобилияти хомила қилишни; хомиладорликни вақти-соатига етказмаслик чала туғиш//хомила тўлиқ ривожланмаслик ҳолатини; ҳайзолди синдроми ҳайз бошланиши билан боғлиқ ўзгариш//ҳайзолди жараёнини; ой кунлари, ой кўриш, ойбоши, одат ҳайз кўриш//менструацияни; етилиш палласи

балоғат даври//жинсий балоғатга етишни; қориннинг дўппайиб қолиши, бўида бўлмоқ ҳомиладор бўлиш//ҳомиладорликни; қутулмоқ, кўзи ёримоқ туғиш жараёнини; кўкрак тўлиши сут безининг сутга тўлиш ҳолатини номлайдиган тиббий эвфемик birlikлардир. Уларнинг айна вазифани нутқда рўёбга чиқаришида тиббий эвфемаларнинг гендер хосланиши яққолашади. Коммуникантлар жинсий мансублигидан қатъи назар, мулоқотда аёлларга хос физиологик жараён (ҳолат)ни тўғридан-тўғри ифодалаш нутқий ва миллий этикетта номувофиқ. Зеро, мулоқотда денотатив маъно юзага келтирадиган ноқулай вазиятни юмшатовчи ва нутқий ўнғайсизликни бартараф этувчи вербал воситалар? юқорида тавсифлаганимиздек, тиббий эвфемалар мавжуд. Улар "пардалаб" номлашни лисоний гендерни ифодалаш билан бир вақтда амалга оширади.

Эркакларга хосликни ифодаловчи birlikлар юқори ижтимоий мақомга эгаллиги билан фарқ қилади. Аёлларга хос хусусиятлар эвфемизацияга кўпроқ учраса-да, эркакларнинг тана аъзолари, физиологик ҳолатини ифодаловчи эвфемик birlikлар катта миқдорни ташкил этади. Эвфемизмнинг гендер хосланиши жамиятнинг аёл ва эркакка нисбатан муносабати ҳамда уларнинг ижтимоий ролига боғлиқ [10, Б.321].

Ю.В.Наришкина эркакларга хос бўлган эвфемизмларни қуйидаги гуруҳларга ажратади:

1) эркакларнинг ахлоқий, эмоционал ва интеллектуал сифатларини ифодаловчи гендер эвфемизмлар.

2) эркакларнинг физиологик ва патологик жараёни билан боғлиқ гендер эвфемизмлар.

3) эркакларнинг ташқи кўриниши билан боғлиқ гендер эвфемизмлар.

4) эркакларга хос бўлган касб-корни ифодаловчи гендер эвфемизмлар.

Т.А.Кулешованинг инглиз тилида эркак жинсини характерлайдиган фразеологик эвфемизмлар таҳлил қилинган мақоласида фразеологик эвфемизмларнинг эркак жинсини тавсифлаш хусусияти очиб берилган. У инглиз тилининг замонавий эвфемизм ва табулар дугатидан эркак жинсини тавсифловчи гендер birlikларни саралаш усулида "эркак" концептини аниқлаган. Бу эса, ўз навбатида, эркакларнинг инглиз жамиятидаги ўрни, хулқ-атвори, атрибуту ва роли ҳақида тасаввурга эга бўлишга ёрдам беради.

Ўзбек тили тиббий эвфемизмларини эркакларга хос белги-хусусият, физиологик ҳолат, касалликни ифодалашига кўра: 1) эркакларга хос касалликни атовчи эвфемалар; 2) эркаклар физиологик ҳолатини атовчи эвфемалар; 3) эркак тана (жинсий) аъзоларини атовчи эвфемалар каби гуруҳлаш мумкин. Тиббий эвфемизмларни гендер белгини ифодалашни аниқ, аммо уларни эркаклик белгиси асосида гуруҳлаш илмий мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслигини аниқлаш лозим. Табиийки, уларнинг нутқий қўлланилишини таҳлил қилиш гендерни эркаклик белгиси асосида ифодалаш имконияти ва ажратилган гуруҳларга мувофиқлигини кўрсатади.

**Гўдак парвариши - оналарнинг ширин ташвиши.** *Ўғил бола келажакда бепушт бўлиб қолишининг сабабчиси тагликми? Уни чилла даврида тусишга ургатсангиз, бас, памперс тақишга эҳтиёж қолмайди. Шу йўл билан фарзандингизни икки нохуш дард - баланопостит (моякларнинг яллиғланиши) ва энурез (сийоқлик)дан сақлаган бўласиз. Илқ сувда ювинтириш бир қатор сийдик йўллари касалликларига туртки бўлади ҳамда келажакда ўғилчангизнинг насл қолдириш қобилиятига таъсир қилади...*

*Аксарият оналар ўғил фарзандларига тор "плавка" ёки шортик кўринишидаги ички кийим кийдиришади. Улар жинсий аъзони сиқиб, моякларнинг яхши ривожланишига тўсқинлик қилади. Натижада жинсий аъзода қон айланиши*

бузилади. Оналаримиз ўғилларига халқ орасида "оилавий" деб номланган бўкса ва мойк соҳасини сиқиб турмайдиган кенг ички либос кийдиришлари, унинг 100 фоиз пахтадан тайёрланганини ва ювилганда ўчмаслигига аҳамият беришлари керак... Гап ўғил болаларда учрайдиган варикоцел касаллиги ҳақида кетмоқда. У жинсий аъзодаги настга тортувчи оғрик, мойкнинг катталашуви билан ифодаланади. Агар муолажа вақтида бажарилмаса, касаллик боланинг буйрағига, вояга етганида эса эрлик қувватига жиддий таъсир қилиши мумкин.

Кўринадики, бепушт бўлиб қолиши, мойкларнинг яллиғланиши, насл қолдириш қобилияти, "оилавий" (ички либос), эрлик қуввати каби эвфемик birlikлар матида эркаклик белгисини тавсифлаган. Булардан бепушт бўлиб қолиши, мойкларнинг яллиғланиши эркакларга хос касалликни; насл қолдириш қобилияти, эрлик қуввати эркаклар физиологик ҳолатини ва "оилавий" эвфемаси эркак ички либосини номлайди.

**"Уят"ли муаммонинг осон ечими. Простата бези касаллигининг эркаклар табиати билан боғлиқ бўлган айрим жиҳатлари бор...** Касаллик бу ишончимизнинг асосларига путур, борлигимизнинг негизига зарар етказар экан, касаллик бизнинг "ҳимоя кўрғонлари"мизни тез емира бошлайди. Бизнинг сексуаллигимиз, яъни жинсий алоқага тааллуқли функцияларни бажара олиш қобилиятимиз ва функцияларни бажара олишга ишончимиз, жинсий муносабатлардаги жозибadorлигимиз, шахсиятимизнинг тамал тошларидан биридир. Бу каби энг нозик, энг "муқаддас" томонларга тажовуз бўлса, шу заҳотиёқ бир талай муаммолар юзага келади. Простата безининг ҳар қандай касалликлари эркакларнинг жинсий қувватига тўғридан-тўғри тажовуз қилади.

Ушбу матида эвфемалашув сарлавҳадан бошланган: "Уят"ли муаммонинг осон ечими. Аёнки, бунда "уят"ли муаммо бирикмаси нафақат эвфемик, балки гендер маънони умумлаштирган. Матн мазмунидан гап эркакларга хос простата бези касаллиги ҳақида бораётганлиги, бу жинс вакилларига нисбатан қўлланувчи "ҳимоя кўрғонлари" эвфемаси ҳам гендер белгини ифодалашни; жинсий алоқага тааллуқли функцияларни бажара олиш қобилияти гендер умумийликка эгаллиги; энг нозик, энг "муқаддас" томонлар ифодасида эркак тана аъзолари назарда тутилаётганлиги; жинсий қувват эвфемасида гендер белги (эркакларнинг қаратувчиси аниқлаштирган) кучли жинс вакилларига хослигини англаш қийин эмас.

**Фарзанд кўриш муаммоси билан юзма-юз турган эркаклар сарлавҳали матида ҳам эвфемалар эркаклик белгисини ифодалаш хусусиятига эгаллиги ажратиб кўрсатилган эвфемик бирикмалар вазифасида яққоллашади:** "...Хўш, аслида эркаклардаги бепуштлиқ таъхиси қандай асосланади ва бу ҳолатда эркакнинг насл қолдириш имконияти борми? Агар эркак яқинлик вақтида безовталиқ ёки жинсий аъзоларда бирор ўзгариш сезса ва аёлда бир йил давомида ҳомиладорлик юзага келмаса, мутахассисга кўрингани маъқул. Бундай вақтларда биринчи текширув уролог ҳузурида амалга оширилади. Уруғ ўтказиш каналининг берклиги туғма нуқсонлар сабаб уруғ канали йўлида берклик ҳолати юзага келиши мумкин... Эркакнинг ёши катталашгани сари соғлом насл қолдириш хусусияти ҳам заифлашиб бориши мумкин" ("Саломатлик", 2018.11.06).

Эвфемик birlikларнинг эркак жинсига хослик белгисини ифодалаш имконияти ва гендер белги асосидаги мавзувий гуруҳини белгилашда қуйидаги нутқий далиллар ҳам муҳим ўрин тутали:

1. "Маданият сиҳатгоҳи" ҳудудида асосан эркакларда учрайдиган жинсий заифлик касалликларини даволашда ёрдам беради. ("Шифо-инфо", 2019. №12, 50-б.) 2. Мени ўз акам 7-синфда ўқиб юрган пайтларимда зўрлаб қўйган. (А.Ж. "Юракка сиғмаган гаплар", 34-б.) 3. Райҳон зўрлик билан номусига теккан Мирзага қараб: "Разил!" -

*деди бениҳоя алам билан. (Э.Т. "Бу тоғлар улуғ тоғлар", 83-б.) 4. Пуштсизлик эркакларда учрайдиган касаллик бўлиб, вақтида шифокорга мурожаат қилинса... ("Саломатлик", 1998. №1, 12-б.) 5. Лекин ҳаётда мижозси заифлигидан қийналиб юрган йигитлар... ("Фан ва турмуш", 1994. №5, 32-б.) 6. Табиий эҳтиёжни оёлаб қондиrolмаслик эр-хотинлик фарзи бажарилишига раҳна солиб, орадаги риштани чўрт узиб юбориш ҳам ҳеч гап эмас... ("Фан ва турмуш", 1994. №5, 31-б.) 7. Ичкиликка ортиқ даражада ружу қилган эркаклар жинсий алоқага заиф бўлиб қолади, бора-бора мутлақо хотинга ярамай қолади. (Е.А. Телишевский. "Енгилтаклик ақибати", 13-б.) 8. Э, уми? Ҳалигиси йўқ-ку унинг. ("Муштум", 1993, №2.)*

Кузатилган матнлар ва нутқий далиллар эвфемик бирликларнинг эркаклик гендер белгисини акс эттиришини етарлича тасдиқлайди. Эвфемаларнинг эркаклик белгисини ифодалаш имконияти кенг бўлиб, бу жинс вакилларининг тиббий соҳасига боғлиқ қирраларини биз кузатган тиббий эвфемик бирликлар (тилимизда мавжуд бошқа бирликлар) нутқий вазият эвфемалашув талаб қилган ҳар бир қўлланишда муайянлаштиради. Уларни айна хусусияти асосида умумлаштириш қуйидаги гуруҳларга бирлаштиради:

**1. Эркакларга хос касалликни атовчи эвфемалар:** *жинсий заифлик, мижозси заифлик, пуштсизлик, бенушт бўлиб қолиш, моякларнинг яллиғланиши, простата бези касаллиги.*

**2. Эркаклар физиологик ҳолатини атовчи эвфемалар:** *насл қолдириш қобилияти, эрлик қуввати, жинсий қувват, насл қолдириш имконияти, яқинлик вақти, эркак жинсий ҳаёти, насл қолдириш хусусияти, зўрлаб қўймоқ, номусига тегмоқ, табиий эҳтиёжни оёлаб қондиrolмаслик, жинсий алоқага заиф бўлиб қолмоқ, хотинга ярамай қолмоқ.*

**3. Эркак тана (жинсий) аъзоларини атовчи эвфемалар:** *простата бези, энг нозик, энг "муқаддас" томонлар, уруғ ўтказиш канали, ҳалигиси йўқ.*

Эркак жинсига хослик белгиси асосида бирлашган тиббий эвфемалар орасида физиологик ҳолатни атовчилар гуруҳи таркибига кўра бойлиги, ташкил этувчиларнинг миқдоран кўплиги ва ранг-баранглиги билан бошқа гуруҳлардан ажралиб туради. Эркакларга хос касаллик ва тана аъзоларни номлайдиган эвфемаларнинг қўлланиш даражаси пастлиги 1- ва 3-гуруҳлар таркибидаги муайян кўринишлар миқдори билан белгиланади.

Шу билан бирга, бир вақтнинг ўзида ҳам эвфемик, ҳам дисфемик характерга эга бўлган бирликлар мавжуд. Масалан: Сийнабанд танлашда унинг юмшоқлигига аҳамият беринг, кўкракни сиқиб турувчи ҳар хил воситалари бўлмаслиги керак. Аёллар кўкракларида симиллаган оғриқни сезишлари билан "Ҳайзолди синдроми бошланди-ёв" дейишга одатланиб қолишган. Бироқ айнан шу характердаги оғриқ кўкрак мастопатияси касаллигининг илк белгиси бўлиши мумкин ("Сўғдиёна", 2017. №24, 21-б.).

Ажратиб кўрсатилган бирликлар айрим контекстда эвфемик, бошқа бирида дисфемик характер касб этиши мумкин. Уларнинг эвфемизм ёки дисфемизм эканлиги тил эгасининг лисоний қобилияти, маданий савияси коммуникатив мақсад, нутқ вазиятидан маълум бўлади.

Гендер жиҳатдан нейтрал эвфемик бирликлар ҳам борки, уларда жинсни ифодалаш иккинчи планга тушади ёки нутқ вазиятида умуман бунга эҳтиёж сезилмайди. Бунда биринчи планда "аёл" ёки "эркак" эмас, балки "шахс" концепти туради. Масалан, касб билдирувчи эвфемизмлар гендер жиҳатдан нейтраллик хусусиятига эга. Касаллик номи, инсон тана аъзоси, инсон физиологик ҳолатини билдирувчи бир қанча тиббий эвфемалар ҳам шу сирага киради. *1. Жинсий аъзолар кўпайиш ёки репродуктив наслий тизим органлари деб ҳам юритилади. 2. Дориларнинг*

*шундай гуруҳлари мавжудки, ҳамиладорликда "мутлақо теротогенлар" деб ном олган, яъни ҳамидаларда туғма мажруҳликнинг ривожланишига олиб келадиган, акс таъсир кўрсатади. 3. Тили яримталлик ёки дудуқланиш... Агар бола ўзининг нутқи бошқачароқ эканлигини катталардан аввалроқ сезиб қолса, шунингдек, унга дудуқлигини элатиб, ўйламай-нетмай танбеҳ берилверса, унда логоневроз - невротик ҳолат юзага келади... (Нутқий ривожланишдан орқада қолиш, нутқи бузилиши, нутқида нуқсон бор болалар, нутқи раvon эмас).*

Ушбу далиллардан маълум бўладики, наслий тизим органлари, туғма мажруҳлик, тили яримталлик, нутқи бошқачароқ, нутқий ривожланишдан орқада қолиш, нутқи бузилиши, нутқида нуқсон бор болалар, нутқи раvon эмас каби тиббий эвфемизмларнинг касаллик ва патологик ҳолатни номлашида гендер белгига бефарқлик мавжуд. Улар жинсни билдирмайди ва бирор жинсга ишора қилмайди. Аммо гендер белгини фарқлайдиган тиббий эвфемалар муайян жинсга оидлик белгиси асосида зиддият ҳосил қилади: эрлик қуввати, насл қолдириш хусусияти, пуштсизлик, жинсий заифлик, табиий эҳтиёжни ойлаб қондирилмаслик, хотинга ярамай қолмоқ эркак жинсига ишора қилиши ва фарзанд кўриш қобилияти, бола кўтариш, сут безлари, ой кунлари, ой кўриш, ифбат пардаси кабиларнинг аёл жинсига ишораси гендер тафовутни сақлаб туради. Тиббий эвфемалар табиатида гендерга бефарқлик ёки гендер тафовут мавжудлиги гендер тилнинг номинатив, антропологик, концептуал, этнососиал аспектида муҳим ўрин тутадиган ижтимоий омиллардан бири эканлигини исботлайди.

#### **Иқтибослар/Сноски/References**

1. Поплевко А.В., Надольская Е.П./ Гендерное различие мужской и женской речи / <https://www.google.com/search>; С.136 (Poplevko A.V., Nadol'skaya E.P./ Genderное различие мужской и женской речи С.136)

2. Здравомыслова Е.А., Темкина А.А. /Социальное конструирование гендера: феминистская теория / Введение в гендерные исследования. Часть 1. Учебное пособие. Под ред. Жеребкиной. Харьков. ХГЦИ. "АЛЕТЕЙЯ", СПб., 2001. С. 48 (Zdravomislova E.A., Temkina A.A. Sotsialnoye konstruirovaniye gendera: feministskaya teoriya/ Vvedeniye v gendernie issledovniya. Chast 1. Uchebnoye posobiye. Pod red. Jerebkinoy. Xarkov. XGSI "ALETEYYA", SPb., 2001 S. 48)

3. Былкова С. В., Крат В.А. Речь мужчин и женщин: гендерный аспект. - С. 94 / <https://www.pglu.ru/>, (Bilkova S.V., Krat V.A. Rech mujchin i jenshin: genderniy aspekt. - С. 94)

4. Тамбиева К.Т. Гендерный аспект мужской и женской разговорной речи С. 98 // <https://www.pglu.ru> (Tambiyeva K. T. Genderniy aspekt mujchskoy i jenshskoy razgovornoye rechі S. 98)

5. Мўминов С. Ўзбек мулоқот хулқининг жинс жиҳатдан хосланиши / Ўзбек тили ва адабиёти, 1999, 5-сон, 64-66 б. (Mo'minov S. O'zbek muloqot xulqining jins jihatdan xoslanishi / O'zbek tili va adabiyoti, 1999, 5-son, 64-66 б.)

6. Вильданова Г.А. Гендерный аспект эвфемизации (на материал английского языка) / дисс... канд. филол. наук. - Бирск, 2008. - С.193. (39.41.47)/ [www.twirpx.com](http://www.twirpx.com). (Vilidanova G.A. Genderniy aspekt evfemizatsii (na material angliyskogo yazika)/ diss... kand. filol. nauk. - Birsks, 2008. - S.193) .

7. Тер Минасова С.Г. Язык и межкультурная коммуникация: - М.: Слово, 2000. - С. 490. (Ter Minasova S.G. Yazik i mejkulturnaya kommunikatsiya: - М.: Slovo, 2000. - S. 490.)

8. Есперсен О. Философия грамматики. - М., 1923. - С. 246. (Yespersen O. Filosofiya grammatiki. - М., 1923. - S. 246.)

9. Кулешова Т.А. Фразеологические эвфемизмы английского языка, характеризующие лиц мужского пола // Филологические науки. Вопросы теории и практики. Тамбов: Грамота, 2014. № 2 (32): в 2-х ч. Ч. II. С. 111 (Kuleshova T.A. Frazеologicheskiye evfemizmi angliyskogo yazika, karakterizuyushiye lits mujskogo pola // Filologicheskie nauki. Voprosi teorii i praktiki. Tambov: Gramota, 2014. № 2 (32): в 2-х ч. Ч. II. С. 111)

10. Нарышкина Ю.В. Эвфемизация в рамках концепта "женщина/мужчина" // Выпускная квалификационная работа соискателя не степень бакалавра/ Научный руководитель: к.ф.н., доц. Е.М.Китаева. Санкт-Петербург 2017. // <https://nauchkor.ru> (Narishkina Yu.V. Evfemizatsiyav ramkax kontsepta "jenshina/mujchina" // Vypusknaya kvalifikatsionnaya rabota soiskatelya ne stepen bakalavra / Nauchniy rukovoditel: k.f.n., dots. Ye.M.Kitayeva. Sankt-Peterburg 2017.)